

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**АНАРБАЕВ АНВАР ИЗАТУЛЛАЕВИЧ**

**ИССИҚЛИК НАСОСИ ВА ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
АСОСИДА БИНОЛАРНИНГ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.05.04. – Саноат иссиқлик энергетикаси**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2025**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Анарбаев Анвар Изатуллаевич**

Иссиқлик насоси ва қуёш энергиясидан фойдаланиш асосида биноларнинг  
иссиқлик таъминоти самарадорлигини ошириш .....3

**Анарбаев Анвар Изатуллаевич**

Повышение эффективности теплоснабжения зданий на основе использования  
теплового насоса и солнечной энергии .....27

**Anarbaev Anvar Izatullaevich**

Increasing the efficiency of heat supply in buildings based on the use of heat pump  
and solar energy.....51

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....55

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**АНАРБАЕВ АНВАР ИЗАТУЛЛАЕВИЧ**

**ИССИҚЛИК НАСОСИ ВА ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
АСОСИДА БИНОЛАРНИНГ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.05.04. – Саноат иссиқлик энергетикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2025**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/T89 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон республикаси фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ZiyoNet.uz](http://www.ZiyoNet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Зоҳидов Ромэн Абдуллаевич</b> техника фанлари доктори, профессор, академик
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Узоқов Ғуломжон Норбоевич</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Ахатов Жасуржон Саидович</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Мирзаев Шавкат Мустақимович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>“Иссиқликэлектрлойиха” АЖ</b>

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025-йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@edu.uz](mailto:tstu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Tel.: (+99871) 207-14-70.

Диссертация автореферати 2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**К.Р.Аллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор, академик

**И.У.Рахмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, профессор

**Р.П.Бабаходжаев**

Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги. Жаҳонда биноларни иссиқлик билан таъминлаш соҳасида хорижий фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари ҳамда анъанавий, муқобил ва қайта тикланадиган иссиқлик энергияси манбалари асосида иссиқлик таъминот қурилмаларни ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда битта объектга бир юз элик минг квадрат метргача юзаси бўлган гелиомайдонлар ўрнатилади. Улар жаҳон бўйича 542,3 ГВт дан ортиқ иссиқлик энергияси билан таъминлайди<sup>1</sup>. Бу борада, мавжуд иссиқлик манбаларини энергия самарадорлигини ошириш учун қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳисобига органик ёқилғи ресурсларини ёқишни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун энергия сарфи қуёш коллекторининг 1 квадрат метр юзасидан йилига 100÷150 шарт ёқилғи килограммига камаяди.

Жаҳонда биноларни иситишда анъанавий қозонхоналардаги иситиш ускуналарини иссиқлик насос қурилмалари билан самарали алмаштириш масаласини ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўпгина ривожланган мамлакатларда бино иссиқлик таъминотини асосий техник воситалари сифатида иссиқлик насослари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирда ушбу йўналишда, жумладан ердаги ва илиқ сувдаги паст даражадаги иссиқликда ишлайдиган иссиқлик насосларининг иссиқлик қуввати кўрсаткичлари 15 ГВт дан ошди. Қабул қилинган кўрсатмаларга кўра, жорий ўн йилликнинг охирига қадар Европа Иттифоқи мамлакатларида иссиқлик насосининг иссиқлик таъминоти улуши иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш балансида 32% дан 79% гача кўтарилиши режалаштирилган<sup>2</sup>. Бинолардаги энергия истеъмолини таҳлил қилиш ва иссиқлик таъминот тизимларининг самарадорлигини ошириш учун техник қисмлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда энергия харажатларини камайтириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шунингдек, ушбу йўналишда йил давомида ишончли паст даражадаги иссиқлик манбасидан, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланиш вазифалари долзарб ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодиёт тармоқлари кесимида энергия сиғимдорлигини 2030 йилга қадар бир ярим баробарга камайтириш мақсадида янги технологик ечимларни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда жорий этишга доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Охирги йигирма йил давомида йирик шаҳарларида комбинацияланган ёқилғи-қуёш қозонхоналарнинг бир қанча кўргазмали лойиҳалари амалга оширилди. Уларни лойиҳалашда 1980-йилларда ишлаб чиқилган техник ечимлардан, жумладан, икки контурли қуёш иссиқлик таъминот қурилмасидан

<sup>1</sup> Solar heat worldwide: Global market development and trends in 2022. 2023 edition. AEE INTEC. Austria. 2023.

<sup>2</sup> Japan Air Conditioning Heating & Refrigeration News. Иссиқлик насослар. Европа ва жаҳонда фойдаланиш статистикаси. <https://econet.ru/articles/148891> (2020).

фойдаланилган. Бунда гелиомайдоннинг юзаси ҳар бир қозонхона учун тўққиз юз квадрат метрдан ошмайди. Бу йирик иссиқлик манбаларида уларни амалга оширишнинг ижобий таъсирини аниқлаш етарли эмас. Сўнгги вақтларда Ўзбекистонда иссиқлик насосларини кенг жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги ва бу масалаларини ечишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, жумладан мамлакат иқтисодиёти тармоқларида, биринчи навбатда, уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали, тезкор ва кенг фойдаланишга қаратилган. 2022 йил 1 январдан давлат органлари ва ташкилотлари бино ва иншоотларида энергия тежамкор технологиялар, иссиқ сув таъминоти учун эса сертификатланган қуёш сув иситиш тизимларидан фойдаланиш мажбурий бўлди. Республикаимизнинг иситиш тизимида қуёш энергияси иситиш тизимларидан фойдаланиш, уни ривожлантириш бўйича давлат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам рағбатлантирилмоқда. Энергия тежамкор ускуналарни ўрнатиш ва замонавий технологияларни қўллаш орқали табиий газ ва электр энергиясини мавжуд даражадан 10 фоизгача тежаш кўзда тутилган.

Республикада қуёш иссиқ сув таъминоти қурилмаларидан амалий фойдаланиш натижалари ва бу борадаги халқаро тажрибани умумлаштириш қайта тикланувчи энергия манбаларига асосланган технологияларни жорий этиш ҳажмини ошириш бўйича стратегик аҳамиятга эга давлат ҳужжатларини тайёрлашга асос бўлди, шунингдек бу истикболда уй-жой коммунал хўжалиги мажмуасида қуёш сув иситиш мосламаларини ўз ичига олади. «Вазирликлар ва идоралар бўйича 6 мингдан ортиқ объектларда энергия истеъмоли ҳажмида муқобил энергия манбаларининг улушини 30 фоизга етказиш бўйича» барча кўрсаткичлар белгиланган<sup>3</sup>. Ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар “Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш” II йўналиши бўйича республика илмий-техник ривожланиш дастурининг вазифаларига жавоб беради.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар таҳлили<sup>4</sup>.** Иқтисодий ривожланган мамлакатларда қуёш гелиоқўшимчалари ва иссиқлик

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2022 йилдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва кам қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-220-сон қарори <https://lex.uz/uz/docs/6189043>

<sup>4</sup> Диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар таҳлили қуйидаги манбалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади: <http://www.ren21.net>; <http://www.iea-shc.org>; Замонавий саноат ва коммунал инфратузилмада иссиқлик насослари. Ахборот ва услубий нашр. - М.: "Перо" нашриёти, 2016. - Б. 204 ва бошқа манбалар асосида бажарилган.

насосларини анъанавий иссиқлик таъминотига жорий этиш бўйича сезиларли ютуқларга эришилганига қарамай, илмий тадқиқотлар таҳлили, қуёш қурилмалари ва иссиқлик насосларидан фойдаланишга асосланган комбинацияланган иссиқлик таъминоти масалалари, айниқса, йилнинг иситиш мавсумида етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатди. Қуёш қурилмалари ва иссиқлик насосларининг параметрларини аниқлаш, шунингдек, иссиқлик таъминотининг умумий самарадорлиги нуқтаи назаридан уларнинг иш ҳолатларини оптималлаштириш учун энг муҳим энергия омиллари таъсирини ҳисобга олиш керак. Мавжуд марказлаштирилган ёқилғи қозонхоналари учун қуёш гелиоқўшимчаларидан фойдаланиш таҳлили уларни ишлатиш жараёнида қуёш коллекторлари ёрдамида сувни олдиндан иситишда уларнинг максимал самарадорлигини таъминлаш учун оптимал ҳолатларни яратиш схемаларини танлаш масалалари кўриб чиқилмаганлигини кўрсатди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда жаҳонда иссиқлик манбаларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида катта ҳажмдаги илмий ишлар олиб борилмоқда. Россия Фанлар академиясининг Юқори ҳароратлар тадқиқоти бирлашган институтида, Кубан давлат аграр университетида (Россия), Одесса технология университетида (Украина), Wiskonsin University (АҚШ), University of Central Lancashire (Буюк Британия), Tsinghua University (Пекин, Хитой), Берлин университети (Германия), Тошкент давлат техника университети ва фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида (Ўзбекистон) фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иссиқлик таъминотида қуёш қурилмалари ва иссиқлик насосларидан фойдаланиш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Амерханов Р.А., Бутузов В.А., Попель О.С., Морозюк Т., Бекманн Г., Ронгжианг Ма, Цацаронис Д. ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Иссиқлик таъминоти тизимларида қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш масалалари ўзбек олимлари Р.А.Зоҳидов, Р.Р.Авезов, Ғ.Н.Узоқов, Ш.И.Қиличев ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида биноларида иссиқлик энергиясининг ишлатилиш самарадорлигини ошириш масалаларини ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, сўнгги йилларда иссиқлик насоси иссиқлик таъминотида аста-секин муқобил усуллар тоифасидан анъанавий усуллар тоифасига ўтмоқда ва паст даражадаги иссиқлик ишлаб чиқариш учун қуёш энергиясидан фойдаланиш услубиятини яратиш билан боғлиқ илмий муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида биноларни иссиқ сув таъминоти билан таъминлаш учун ишончли ва энергия тежамкор иссиқлик таъминоти тизимини ишлаб чиқиш ва қуёш гелиоқўшимчаларини лойиҳалашда илмий-услубий асослари таклиф этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация

тадқиқоти Энергетика муаммолари институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, А-12-058 “Самарали ва ишончилиги ошган электр захирали қуёш иссиқ сув таъминоти тизимларини комплекс ривожлантириш” (2006-2008); ФА-А13-Ф112 “Саноат қозонхоналарини модернизация қилиш учун юқори самарали ёқилғи ва қуёш технологияларини ишлаб чиқиш” (2009-2011); А3-ФА-0-15754 “Ишлаб чиқариш объектларининг иссиқлик ва совук таъминоти тизимларининг янги усуллари ва техник ечимларини ишлаб чиқиш” (2012-2014); ФА-А4-Ф049 “Иссиқлик насослари қўллаш орқали самарали қуёш иссиқлик ва совуқлик таъминоти тизимларини ишлаб чиқиш” (2015-2017) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мавжуд қозонхоналар учун гелио қўшимчаларини қўллаш ва иссиқлик таъминоти тизимларининг эксергик-иктисодий мезонлари асосида биноларни иситишда иссиқлик насослари қурилмалари учун паст даражадаги иссиқлик манбаи сифатида фойдаланиш бўйича энергия тежамкор техник ечимларни илмий асослаш.

**Тадқиқот вазифалари:**

иссиқлик таъминоти тизимларида қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳолатларининг самарадорлик мезонини аниқлаш учун мавжуд қуёш-ёқилғи қозонхоналарининг ҳолати ва энергия билан ишлашини таҳлил қилиш;

экспериментал тадқиқот натижалари асосида ясси ва қувур-вакуумли коллекторларнинг иш самарадорлигини аниқлаш;

самарали схемани ишлаб чиқишда мавжуд қозонхоналар учун қуёш қўшимчаларини схема-параметрик оптималлаштириш усулини ишлаб чиқиш;

бинонинг иссиқлик таъминоти тизимидаги қуёш қурилмаси иссиқлик ташувчисининг иситиш ҳарорати бўйича иссиқлик насосларининг иш ҳолатларини ўрганиш учун тажриба лаборатория қурилмасини ишлаб чиқиш, яратиш ва қўллаш;

иссиқлик насослари ва қуёш қурилмаларининг оптимал техник кўрсаткичларини топишда эксергик-иктисодий таҳлил усуллари қўллаш;

қиёсий эксергик-иктисодий таҳлил усуллари бўйича мавжуд иссиқлик таъминоти тизимлари билан тавсия этилган қуёш-иссиқлик насоси қурилмасининг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида анъанавий иссиқлик манбаларида ёқилғини алмаштириш ва биноларни муқобил иситишда иссиқлик насосларига паст даражадаги иссиқлик манбаи учун қуёш энергиясига асосланган қурилмалардан фойдаланадиган иссиқлик таъминоти тизимлари олинган.

**Тадқиқот предмети** иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлигини ошириш учун бинолардаги ёқилғи қозонхоналари ва иссиқлик насосларига нисбатан қуёш қурилмаларидан фойдаланишнинг технологик масалаларини илмий ва услубий асослаш ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида белгиланган вазифаларни ечимини излашда ёқилғи қозонхонасининг бир қисми сифатида ишлайдиган қуёш тизимларининг энергетик параметрларини оптималлаштирувчи рақамли

усуллар қўлланилди тажрибалар ўтказилди. Қуёш иссиқлик насослари қурилмаларини параметрларини аниқлаш учун иссиқлик таъминоти тизимларини эксергик иқтисодий қиёсий таҳлил қилиш усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иссиқлик юкмасини қуёш энергиясига алмаштириш ва қуёш иссиқлик коллекторларининг самарадорлигини оширишни ҳисобга олиб, термонеутрал ҳолат асосида ёқилғи-қуёш қозонхонасининг комбинацияланган схемаси ишлаб чиқилган;

иссиқлик таъминоти объектидаги маҳаллий иқлим ва технологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда қуёш иссиқлик қурилмасининг самарадорлик кўрсаткичлари асосида ёқилғи-қуёш қозонларини схема-параметрик оптималлаштириш усули ишлаб чиқилган;

биринчи марта қуёш қурилмаси томонидан ишлаб чиқарилган паст даражадаги иссиқлик асосида ишлайдиган иссиқлик насосли бино иссиқлик таъминоти тизимининг бирлаштирилган схемаси ишлаб чиқилди;

эксергик-иқтисодий кўрсаткичлар асосида бино иссиқлик таъминоти тизимининг қуёш иссиқлик насоси таркибий қисмлари ўртасида иссиқлик узатиш оптимал ҳарорат ҳолатларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

эксергик-иқтисодий таҳлил усули асосида минимал эксергия харажатларини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик насослари ва қуёш иссиқлик коллекторларини комбинацияланган қурилмасининг оптимал параметрларини ҳисоблаш усули тузилган;

эксергик-иқтисодий таҳлил усули асосида қуёш иссиқлик насоси қурилмаси самарадорлик мезонлари қийматлари маълум иссиқлик таъминоти тизимлари билан таққослаш натижаларига кўра асосланади.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қуёш иссиқлик коллекторлари самарадорлигининг ва улар томонидан термал юкни алмаштириш коэффиенти қуёш нурланишининг келиши нисбати ўзгаришига уларда иссиқлик ташувчининг ҳарорати ва ташқи ҳаво ҳарорати фарқига боғлиқлигилар асосида ушбу кўрсаткичларнинг тўғри чизиқлари орасидаги кесишувда ҳосил бўлган қуёш қўшимчасини қўллашнинг самарали зоналарини аниқлаш учун график боғлиқлиги ишлаб чиқилган;

ёқилғи қозонларининг технологик участкаларининг ҳарорат шароитларига нисбатан қуёш тизимларининг рационал параметрларини дастлабки лойиҳалаш учун методика ишлаб чиқилган;

иссиқлик насосларининг иссиқлик узатиш элементларидаги ҳарорат фарқларининг техник параметрлари методикаси ишлаб чиқилган;

Иссиқлик таъминоти схемасининг ягона эксергия тизими сифатида «бино + иссиқлик насоси + қуёш қурилмаси + атроф-муҳит» мажмуасининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ параметрлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишлаётган қурилмалар бўйича экспериментал маълумотларни

олиш учун компьютер ва ўлчов воситаларидан фойдаланиш ва иссиқлик таъминоти тизимларида қуёш қурилмалари ва иссиқлик насоси параметрларини оптималлаштириш учун замонавий эксерго-иктисодий таҳлил усулларига асосланган ҳисоб-китоблар, шунингдек тадқиқот натижаларини мавжуд техник ечимлар билан таққослаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган техник ечимлар ва ишлаб чиқилган усуллар, анъанавий ва муқобил иссиқлик таъминоти тизимлари самарадорлигини ошириш учун иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда қуёш қурилмасидан фойдаланишнинг ҳамда иссиқлик манбаларидан биргаликда фойдаланиш параметрларини оптималлаштириш ҳисоблари мавжуд назариялар ва амалиётларга илмий қўшимчалар асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти совутиш ва иситиш учун қуёш иссиқлик насоси қурилмасидан фойдаланиш схемасини яратишдир. Ишлаб чиқилган усул биноларни иссиқлик таъминоти тизимларининг самарадорлигини ошириш ва ёқилғи сарфини камайтириш имконини беради.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти анъанавий ва муқобил иссиқлик манбаларига қуёш қўшимчаларини қўллаш схемаларини ва биноларни иссиқлик таъминоти тизимларини дастлабки лойиҳалаш пайтида қурилманинг оқилона параметрлари ва иш ҳолатларини аниқлаш усулларини, уларнинг самарадорлигини сезиларли ошириш ва ёқилғи сарфини камайтириш мақсадида ишлаб чиқишдан иборат. Бугунги кунгача республикадаги биноларни иссиқлик билан таъминлашда фойдаланилмаган қуёш-иссиқлик насоси лаборатория қурилмаси Тошкент давлат техника университетида яратилди ва унинг самарадорлиги иссиқлик насослари бўйича мутахассисларни тайёрлашда ўқув мақсадларида фойдаланиш имконини бериш ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Биноларнинг иссиқлик таъминоти самарадорлигини ошириш бўйича иссиқлик насоси ва қуёш энергиясидан фойдаланиш асосида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

қуёш қурилмаси томонидан ишлаб чиқарилган паст даражадаги иссиқлик асосида қувватланадиган иссиқлик насоси схемаси учун FAP 01934-2022 «Автоном иссиқлик ва совуқлик таъминоти тизими» фойдали моделига патенти олинган. Натижада, биноларни ишончли ва самарадорлиги юқори автоном иссиқлик ва совуқлик таъминоти қурилмани ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

ёқилғи-қуёш комбинацияланган схемаси ва оптимал параметрларни ҳисоблаш усули «Чукурсой» қозонхонасига жорий этилган («Тошиссиқликэнерго» унитар корхонасининг 2009 йил 18 декабрдаги 4425-07-сон маълумотномаси). Натижада қозонхонанинг иссиқлик юкламасини қуёш энергиясига алмаштириш ҳисобига йилига 122,6 минг куб метр газ миқдорида табиий газ истеъмолини камайтириш имконияти яратилган;

иссиқлик насосли таъминот схемаси ва оптимал параметрларни ҳисоблаш усули Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги “Қамаши Корасув Лалимиси” МЧЖ фермерлик хўжалиги иссиқхонасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2024-йил 17-майдаги 04-11-3406-сонли маълумотномаси). Натижада иссиқхонада электр иситиш қурилмаси ўрнига иссиқлик насосидан фойдаланиш ҳисобига йилига 66384 кВт·соат электр энергияси истеъмолини камайтириш имконияти яратилиб, илмий тадқиқот натижаларини жорий этишнинг умумий йиллик иқтисодий самарадорлиги 329 млн сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларини нашр этиш.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 2 та монография, 1 та ихтиро учун патент, 1 фойдали модел учун патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг техника фанлари доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақолалар, жумладан, 2 та чет эл ва 18 та республика журналларида, 3 та Scopus базасига кирувчи ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида тўпламларда нашр этилган, дастурий махсулотга 2 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 161 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тадқиқот ишининг долзарблиги ва муҳимлиги асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, нашрлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациясининг **“Иссиқлик таъминотида ёқилғи-қуёш қурилмалари ва иссиқлик насосларидан фойдаланиш масалалари”** деб номланган биринчи бобида коммунал қозонхоналарида қуёш гелиоқўшимчалари билан сувни олдиндан иситиш технологиясидан фойдаланиш учун энг кенг тарқалган схема ечимлари муҳокама қилинган. Мавжуд қуёш-ёқилғи қозонхоналарининг афзалликлари ва камчиликлари ва улардан фойдаланишнинг мавсумий давомийлиги таҳлил қилинган. Ўзбекистонда ҳозирда ўрнатилган қуёш иссиқлик қурилмаларининг тузилиши уларнинг иш ҳолатидан келиб чиқиб кўрсатилган. Энг кўп қуёш қурилмалари

4756 м<sup>2</sup> (28,9%) қуёш-ёқилғи қозонхоналарида ўрнатилган. Афзаллиги - иссиқлик манбасида мавжуд бўлган қозонхона ускунасида фойдаланиш ва қуёш қурилмасини тўғри ишлашини таъминлайдиган ходимларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Таҳлил жараёнида 2002 йилда Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги “Сувсоз” қозонхонасида кўрғазмали лойиҳада қабул қилинган қуёш қурилмасининг эксплуатацион тавсифлари жорий қилинган техник ечимлар билан уларнинг иссиқлик самарадорлиги ва фойдаланиш қулайлиги нуқтаи назаридан баҳоланди. У қуёш ёқилғи тизимларининг соф қуёш тизимларига нисбатан қуёш сув иситкичларида энг совуқ муҳитда ҳам иситиш ва шунга мос равишда қуёш энергиясидан фойдаланишнинг энг юқори самарадорлигига эришиш ва узоқ мавсум ишлаш каби афзалликларига эга. Ўтказилган таҳлиллар қозонхонага қуёш қўшимчасининг иш ҳолатларини янада такомиллаштириш ва унинг энергия хусусиятларини ошириш имкониятини кўрсатди.

Европа иссиқлик насослари бозоридаги тенденциялар таҳлил қилинган ва мавжуд биналарда сегмент ўрнатишининг улушини оширишга қаратилган, бу эса ушбу турдаги иссиқлик таъминотида бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, ўртача энергия истеъмол қиладиган объектлар учун электр иситиш ва қозонхона ускуналарини иссиқлик билан таъминлашда фойдаланишни алмаштириш учун мўлжалланган иссиқлик насосларининг бирлик қуввати ортади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, конденсация ҳарорати 100°C бўлган иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда иссиқлик насосининг иссиқлик электр марказ (ИЭМ) параметрлари билан қиёсий таҳлилни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Республиканинг марказлашган иссиқлик таъминоти паст энергия самарадорлиги билан ажралиб туради. Йиллик даврда маҳаллий қозонхонанинг ишлаши пайтида иссиқлик насос агрегатларида иссиқликни трансформация қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган паст даражадаги иссиқлик чиқиндиларининг ҳажми таҳлил қилинди. Юқоридаги ҳисоблар шуни кўрсатадики, иссиқлик насосининг қурилмаси очик турдаги иссиқлик таъминоти схемасига киритилиши қозонхонада энергия ресурсларини тежаш имконини беради. Қайтиш қувуридаги тармоқ суви ҳароратининг 39 °C дан 34 °C гача ўзгариши тежалган ёқилғи ҳажмини 251,68 дан 245,16 кг/соатгача пасайишига олиб келади.


Ушбу бобда тақдим этилган таҳлилдан сўнг, комбинацияланган қуёш иссиқлик насослари тизимининг турли технологияларни янада самарали лойиҳалаш, тадқиқ қилиш ва жорий этишни таъминлаш учун бир қатор асосий тадқиқот эҳтиёжлари аниқланди:

- ҳар хил турдаги қуёш коллекторлари ва иссиқлик насослари асосида қуёш коллектор ва иссиқлик насоси (кетма-кет, параллел, гибрид) ўртасидаги энг қулай улаш схемасини аниқлаш;

• иш ҳолатини яхшилаш ва иссиқлик узатиш кечикишлари камайтириш учун мавжуд қуёш иссиқлик насоси тизимининг схема ечимларини оптималаштириш.

Диссертациянинг иккинчи “Қуёш гелиоқўшимчаларининг самарадорлиги, ҳолатлари ва иссиқлик таъминоти тизимларига улаш схемаларини экспериментал тадқиқотлари” номли бобида комбинацияланган иссиқлик таъминоти тизимларининг ҳолатлари таҳлил қилинган. Ёқилғи қозонхонаси учун қуёш гелиоқўшимчаларини дастлабки лойиҳалашда иссиқлик манбасининг жойлашуви, иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёж ва очиқ майдонларнинг мавжудлиги кўрсатилган.

Иссиқ сувга бўлган эҳтиёж ва биноларни иситиш ўртасидаги мавжуд муносабатни ҳисобга олган ҳолда, қозонхонанинг иссиқлик юкмасини қуёш қурилмаси ва унинг уланиш схемаси билан оқилона алмаштиришни аниқлаш керак. Лойиҳалашда, энг кўп иссиқлик ва энг кам ҳаражатларни ишлаб чиқариш шароитида қуёш иссиқлик коллекторларини ўрнатиш майдонини оптималаштиришнинг кўп қиррали муаммоси ҳал қилинади.




**1-расм. Йилнинг совуқ мавсумида қувур-вакуумли ва ясси қуёш коллекторларининг кунлик иссиқлик ишлаб чиқариши таҳлили**

Қуёш коллекторларидан иссиқлик киритишнинг юқори самарадорлигини таъминлаш орқали қуёш гелиоқўшимчасини ўрнатиш майдонини кичикроқ лойиҳалаш ва шу билан харид қилиш ҳаражатларини ва қурилиш-монтаж ишларини камайтириш мумкин. Қуёш иссиқлик қабул қилувчининг самарадорлиги, эҳтимол, қуёш коллекторининг ютиш қурилмасининг ички каналлари юзасида иссиқлик узатиш келтирган коэффиценти  $K_{кел}$  билан белгиланади, бу тўғридан-тўғри иссиқлик ташувчи ҳаракат тезлигига ва унинг сарфига боғлиқ. Ушбу тизимларнинг ишлаш тажрибасига кўра, бир-бирига

кетма-кет уланган коллекторлар учун иссиқлик ташувчи оқимининг энг яхши тезлиги соатига 0,03 дан 0,07 м<sup>3</sup> гача бўлади.

Ҳар хил турдаги коллекторларнинг иссиқлик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тадқиқ қилинди. Аввало, совуқ қиш даврида сувни иситиш эҳтиёжлари учун замонавий қувур-вакуумли ва ясси пластинкали қуёш коллекторининг ишлашини таққослашга алоҳида эътибор қаратилди (1-расм).




**2-расм. Самарадорлик  $\eta$  ва йиллик ёқилғини алмаштириш коэффициенти  $\varphi$  га боғлиқ иш параметрларига қараб қуёш гелиоқўшимчаси билан ишлайдиган ёқилғи қозонхона тизимининг ишлаш соҳалари: I ҳудуд - термонейтрал; II ҳудуд - автоном; III ҳудуд - йил давомида фойдаланиладиган.**

Қуёш иссиқлик таъминоти тизимларида ишлаш жараёнларини ўрганиш қуёш коллекторларининг кириш қисмида иссиқлик ташувчи ҳароратини пасайтириш орқали уларнинг иш самарадорлигини ошириш имкониятини кўрсатади (2-расм).

Энергия самарадорлиги даражасига кўра комбинацияланган қуёш ёқилғи қозонхона тизимининг иш ҳолатларини аниқлашда аниқловчи параметрлар тизимнинг самарадорлиги  $\eta$  ва йиллик ёқилғини алмаштириш коэффициенти  $\varphi$  бўлиб, қуёш энергиясининг иситиш тизимининг умумий иссиқлик юкласини қоплашдаги улушини белгилайди.

Ушбу қийматлар қуёш иситиш тизимининг иш параметрларига қарама-қарши боғлиқликка эга, улардан асосийси коллектор текислиги  $I$  ҳудудидаги қуёш нурланиши зичлигига қуёш коллекторларидаги иссиқлик ташувчисининг ўртача ҳарорати  $t_{\text{урт}}$  ва атроф-муҳит ҳаво ҳарорати  $t_0$  ўртасидаги ҳарорат фарқининг нисбати ҳисобланади.

Белгиланган иш параметри нолга тенг бўлганда, яъни  $t_{ypm} = t_0$  (I худуд), қуёш коллекторларидан атроф-муҳитга конвектив иссиқлик йўқотишлари бўлмайди. Ушбу иш ҳолати термонеутрал деб аталади.




**3-расм. Икки занжирли гелиоқўшимча билан қуёш-ёқилғи қозонхона схемасини такомиллаштирилган варианты:** 1- дастлабки манба суви учун иссиқлик алмаштиргич; 2- кимёвий сув тозалаш қурилмаси; 3- совуқ ишлов беришдан кейин иссиқлик алмаштиргич; 4 - деаэратор; 5- иссиқ сув идиш; 6- қозонхона; 7-гелиомайдон; 8- истеъмолчига етказиб беришдан олдин иситиш учун иссиқлик алмаштиргич.

Ўзбекистондаги ёқилғи қозонхоналарида қўлланиладиган мавжуд схемада иссиқлик манбаи технологик линияси иссиқ сувни тайёрлашда қуйидаги иситиш босқичларини ўз ичига олади: “хом (дастлабки) сув” иссиқлик алмаштиргич 1 даги манба суви  $5 \div 10^\circ\text{C}$  дан  $20^\circ\text{C}$  гача Na-катионит филтрларидан кимёвий сув тозалаш (КСТ) қурилмаси 2 га юбориш; уни КСТ иссиқлик алмаштиргич вакуум қурилмалари 3 да деаэрация 4 қилишдан олдин  $56^\circ\text{C}$  гача қиздириш; қозонхоналар 6 томонидан  $65^\circ\text{C}$  ҳароратгача қиздирилгандан сўнг аккумуляция бакларида (АБ) 5 тўпланиши ва кейин истеъмолчига, яъни иссиқлик тармоғига етказиб берилиши таъминланади. Гелиоқўшимча кимёвий тозаланган сувни қайтган сув билан аралаштириб, АБ 5 га юборади. Технологик линияда кимёвий сувни тозалаш қурилмаси 2 ва КСТ иссиқлик алмаштиргич 3 ўртасида ёзда  $20^\circ\text{C}$  дан  $30 \div 40^\circ\text{C}$  гача иситишни таъминлаш учун қуёш занжирининг иссиқлик алмаштиргичи 8 орқали гелиомайдон 7 дан киритиш амалга оширилади.


Ушбу схемада таклиф қилинган такомиллаштириш унинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Шундай қилиб, агар иссиқлик алмаштиргич 1 гелиомайдони 7 га кетма-кет уланган бўлса ва иссиқлик

ташувчи қозонхона суви ўрнига қуёш занжиридаги иссиқлик алмаштиргич 8 дан иситилса, гелиоқўшимчадан фойдаланганда қозонхонадаги ёқилғи ресурсларини қўшимча тежаш таъминланади. Ушбу схема (3-расм) атроф-муҳитга нисбатан қуёш гелиоқўшимчасини ишлатиш термонеутрал иш ҳолатини ҳисобга олади.

Диссертациянинг учинчи “Комбинацияланган иссиқлик таъминоти тизимлари ёқилғи қозонхоналари учун қуёш қурилмасининг оптимал параметрларини техник-иқтисодий ҳисоблаш методикаси” номли бобида қозонхона учун икки занжирли қуёш қўшимчаларининг параметрларини моделлаштириш учун олинган математик ифодалар тақдим этилган. (1) ифода оралик иссиқлик алмаштиргичнинг иситиш юзаси ва гелиомайдони (4-расм) нисбатини оптималлаштиришни ўз ичига олади.



**4- расм. Икки контурли қуёш коллектори тизим ва оралик иссиқлик алмашинувчиси майдонларининг иссиқлик-техник хусусиятлари ва келтирилган харажатларга нисбати боғлиқлиги.**



**5- расм. Харажатларнинг ўзгарувчан қисмининг иссиқлик хусусиятларига боғлиқлиги ва икки занжирли тизимнинг харажатларини камайтириш.**

$$\left( \frac{F_{гў}}{F_{ис.а}} \right)_{\text{оптимал}} = \sqrt{\eta_{ис.к} \cdot \frac{K_{кел}}{k_{ис.а}} \cdot \frac{z_k}{z_{ис.а}} - \eta_{ис.к} \cdot \frac{K_{кел}}{k_{ис.к}}} \quad (1)$$

бу ерда  $\eta_{ис.к}$  - гелиоқўшимчани иссиқлик манбаига улашда ишлатиладиган қуёш абсорберларининг иссиқлик самарадорлиги коэффициенти.

Олинган характеристикалар учун гелиомайдоннинг келтирилган иссиқлик-техник хусусиятларининг оралиқ иссиқлик алмашинувчининг иссиқлик узатиш коэффициентига нисбати қиймати  $K_{кел}/k_{ис.а}$  иссиқлик алмаштиргичнинг иситиш сиртининг оптимал қийматини танлашга сезиларли таъсир кўрсатади. Иссиқлик қурилмасининг иссиқлик узатиш коэффициентига  $k_{ис.а}$  асосан тизимда ишлатиладиган антифризнинг зичлиги ва иссиқлик алмаштиргич учун ишлатиладиган материалнинг иссиқлик-техник хусусиятлари таъсир кўрсатади.

Комбинацияланган қурилмани қуёш гелиоқўшимчасига улаш харажатларининг ўзгарувчан қисми учун қийматларни ҳисобга олган ҳолда математик ифода олинди.

$$Z_{\sim} = z_{ис.а} \cdot F_{ис.а} + z_k \cdot F_{з\ddot{y}} \cdot \frac{\eta_{ис.к} \cdot K_{кел} \cdot F_{з\ddot{y}}}{K_{ис.а} \cdot F_{ис.а} + \eta_{ис.к} \cdot K_{кел} \cdot F_{з\ddot{y}}} \quad (2)$$

5- расмда  $Z_{\sim}$  нинг иссиқлик алмаштиргич  $z_{ис.а}$  ва қуёш коллекторининг  $z_k$  солиштирма харажатлари нисбатига боғлиқлиги, шунингдек, оралиқ иссиқлик алмашинувчининг иссиқлик узатиш коэффициенти ўзгариши кўрсатилган. Қуёш энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ энергетик ускунасининг характеристикаси, хусусан, иссиқлик манбаларидаги қуёш қўшимчалари учун инсоляция ва ташқи ҳарорат шароитида ўзгарувчанлик шароитида ишлайди.

Бу иссиқ сув таъминоти тизимларида иссиқлик манбаи юкламаси учун қуёш энергиясини алмаштириш коэффициентини ҳисоблаш ифодасини олиш вазифасини ўз ичига олади. Бу атроф-муҳит параметрларининг таъсирини, гелиоускуналари ва санитар-техник ускуналарининг оптик-конвектив хусусиятларини, схема ечимларининг технологик параметрларини, қозонхоналар учун мўлжалланган қуёш қўшимчаларини ҳисобга олади.

$$\varphi = \frac{\eta_{исит} [\eta_{онт} q_{туш}^{\Sigma} + K_{кел} (t_o - t_{к.м})]}{(G_{сол} c_p + 0.5 \eta_{ист} K_{пр}) (t_{ис.с}^{улик} - t_{с.с})} \quad (3)$$

ифода олинган.

(3) ифода қуёш панели ва санитария-техник ускуналарнинг ( $\eta_{исит}$ ), ўзига хос оптик-техник ( $\eta_{онт}$ ,  $K_{кел}$ ) ва иссиқлик-техник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёқилғи иссиқлик манбалари билан комбинацияланган қуёш техник қисмининг иссиқлик юкламасини алмаштириш коэффициентини солиштирма сарфлар ( $G_{сол}$ ), совуқ сув ҳарорати ( $t_{с.с}$ ), кимёвий тайёрланган сув ҳарорати ( $t_{к.м}$ ) ва иссиқ ( $t_{ис.с}^{улик}$ ), ҳар қандай ўзгаришлар учун иссиқлик манбаи технологик линияси бўйлаб ташқи ҳаво ҳарорати ( $t_o$ ) ва жами қуёш радиацияси ( $q_{туш}^{\Sigma}$ ) келишини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш имконини беради.

Оптималлаштиришнинг навбатдаги вазифаси автоном қуёш иситиш тизимларидан фарқли ўлароқ, қуёш қўшимчасида сувни иситишнинг ҳарорат ҳолати бўйича иссиқ сув таъминоти ( $\overline{\Delta t_{ил.с}^{з\ddot{y}}}$ ) учун икки занжирли

гелиоқўшимчалари майдони ( $F_{\text{э}^y}^1$ , м<sup>2</sup>/одам) ни боғлиқлигини ифодалаш ҳисобланади.

$$F_{\text{э}^y}^1 = \frac{\left(\frac{1}{\eta_{\text{и.к}}} + \frac{K_{\text{кел}}}{K_{\text{ис.а}}} f_{\text{онм}}\right) G_{\text{кун}}^1 \rho c_p \overline{\Delta t_{\text{ил.с}}^{\text{э}^y}}}{\left(\bar{\eta}_0 - K_{\text{кел}} \frac{0.5 \overline{\Delta t_{\text{ил.с}}^{\text{э}^y}} + t_{\text{кмс}} - t_{\text{мх}}}{\bar{q}_{\text{нур}}^{\Sigma}}\right) \bar{q}_{\text{нур}}^{\Sigma} Z_{\text{кун}}} \quad (4)$$

бу ерда  $G_{\text{кун}}^1 = 100$  литр/одам/кун - бир киши учун иссиқ сув истеъмолнинг кунлик меёри;  $\rho$  ва  $c_p$  - мос равишда иситиладиган сувнинг зичлиги ва изобар иссиқлик сифими;  $Z_{\text{кун}} = 8$  соат - инсоляциянинг бир кунда келиш даври.

Такдим этилган схема-параметрик оптималлаштириш усули такомиллаштирилган (3-расм) ва икки занжирли гелио қўшимчанинг анъанавий схемаларининг энергия хусусиятларини солиштиришга имкон берди:

- оралиқ иссиқлик алмаштиргичнинг иситиш юзаси ва гелиомайдоннинг оптимал нисбати 0,1;

- иссиқлик юкласини қуёш энергияси билан алмаштириш коэффициентини  $\varphi$  0,4 дан 0,6 гача кўтарилди;

- ёз кунда гелиоқўшимча билан жиҳозланган ёқилғи қозонхонасининг таклиф қилинган схемаси учун қуёш коллекторининг иссиқлик самарадорлиги 0,654 дан 0,702 гача кўтарилди;

- гелиомайдоннинг ҳисобланган солиштирма қиймати унинг самарадорлигини оширишга мутаносиб равишда ҳар бир аҳоли учун 0,665 м<sup>2</sup> дан камайди ва ҳар бир аҳоли учун 0,619 м<sup>2</sup> га тенг қабул қилинади.


Диссертациянинг тўртинчи **“Қуёш-иссиқлик насос станцияси тажриба қурилмаси бўйича экспериментал тадқиқотлар”** номли бобида ТДТУ лабораториясида ўрнатилган қурилмаларда ўтказилган тадқиқотлар келтирилган (6-расм). Иссиқлик насоси учун ерга тупроқ грунтотка занжирини ётқизишда катта сармойани талаб қилинишини алмаштириш қурилманинг афзаллиги ҳисобланади. Бунга гелиоқурилмага нисбатан арзон паст потенциалли манбадан фойдаланиш орқали эришилади. Йилнинг совуқ даврида аккумуляция бакларида қуёш инсоляцияси энергиясининг тўпланиши туфайли сувни камида +7°C ҳароратгача қиздириш мумкин бўлади.

Қуёш иссиқлик насоси тизими (7-расм) мос равишда қуйидагиларга: сувни иситувчи қуёш қурилмаси 1, шу жумладан, аккумуляция баки 3 ва иссиқлик насоси 2 га эга. Ҳар иккиси ҳам бино ичида жойлашган. Занжирлар ўртасида узлуксиз иссиқлик алмашинувини яратиш учун уларда иссиқлик ташувчи айланиши учун насослар жойлашган. Иситилган сувни сақлайдиган идиш аккумуляция баки 3, параллел равишда иситиш элементи 4 дан сувни иситиш учун энергия олиши ва иссиқ сувни истеъмолчи 5 нинг иссиқ сув тизимига ўтказиши мумкин. Иссиқлик насосининг компрессори 2 қуёш фото-электр станция 6 томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясида ишлайди.

Бундан ташқари, иссиқлик насосининг занжири 2 суюқликли ҳаво иситгичи 7 га уланиш билан конденсатор орқали чиқишга эга. Иссиқлик насоси блокининг 2 буғлантиргичи оралиқ иссиқлик алмаштиргич 8 орқали иссиқлик аккумулятори 3 га уланади.




**6- расм. Қуёш энергияси ҳосил қиладиган иссиқликдан фойдаланадиган лаборатория иссиқлик насоси элементлари**



**7- расм. Қуёш иссиқлигидан фойдаланадиган комбинацияланган лаборатория иссиқлик насоси қурилмаси схемаси.**

Иссиқлик насоси блоки 2 нинг чиқиш занжирида ишчи суюқликни иссиқлик кенгайишидан ҳимоя қилиш учун қўшимча равишда гидравлик буфер баки 9 билан жиҳозланган. Қуёш сув иситиш тизимининг схемаси иссиқлик алмашувчиси 10 орқали умумий иссиқлик энергиясини аккумуляция баки 3 да ёпилади. Схемаларда иссиқлик ташувчининг айланиш жараёни автоматлаштириш ёки ўта оғир ҳолларда оператив ходимларни

бошқариш орқали назорат қилинади. Иссиқлик узатиш жараёнларини автоматик назорат қилиш ва назорат қилиш тизими сув оқими ҳисоблагичларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, иссиқлик ташувчи сарфи ҳақида маълумот оладиган иссиқлик ҳисоблагичлари 11 га уланган иссиқлик занжирларнинг етказиб бериш ва қайтариш қувурларига бириктирилган қаршилиқ терможуфтлари кўринишидаги ҳарорат датчиклари ҳам мавжуд.




**8-расм. Аккумуляция бакидан чиқиш жойларининг баландлигига қараб қуёш гелиоқушимчаси билан иссиқлик юкласини алмаштириш коэффициентини ва иссиқлик насосининг айланмиш коэффициентининг ўзгариши.**

Қуёш иссиқлик насосини қурилмасини оптималлаштиришда гелиоқушимча қурилмаси самарадорлиги ва иссиқлик насосининг айланмиш коэффициентини билан боғлиқ ҳолда аккумуляция бакидан иссиқлик насоси занжирига ўтказгичларнинг рационал ҳолатини аниқлаш тавсия этилади. Бу иссиқлик энергиясини паст ҳароратда олганидан кейин сув уларнинг занжирларига кирганда содир бўлади. Бу 8-расмда акс эттирилган бўлиб, иссиқлик насосининг (*COP*) айланмиш коэффициентини ва қуёш юкласини қоплаш коэффициентини ўзгаришини % да кўрсатади. Чиқиш жойлари юқориқ жойлашганда, иссиқлик насосининг айланмиш коэффициентини ортади.

Пастки қисмдан масофа ортгани сайин, қуёш қурилмасининг самарадорлиги, аксинча, ошади. Натижада, ушбу энергия кўрсаткичларининг кесиммасида аккумуляция бакидан иссиқлик насоси занжирига қадар чиқишларнинг энг рационал ҳолатини аниқлаш мумкин. Энг оқилона нуқта аккумуляция бакининг 0,4 нисбий баландлигида жойлашди.

Бешинчи “Иссиқлик насосли иссиқлик таъминоти тизимлари қуёш иссиқлик қурилмалари схемаларини эксергик-иктисодий оптималлаштириш” номли бобда 4 чи бобда келтирилган эксергия

тушунчаси асосида таҳлил қилишнинг техник-иқтисодий масалалари кўриб чиқилади. Эксергия ҳар қандай турдаги энергиянинг бир қисми бўлиб, мавжуд атроф-муҳит шароитида  $e_Q$  ишни бажариш учун ўзгариш қобилиятини кўрсатишга имкон беради. Қайтар термодинамик циклда ташқи шароитларни, хусусан, ҳароратнинг ортиқчилигини ҳисобга олган ҳолда, иш бажаришга  $T$  ҳароратга эга бўлган иссиқлик ташувчининг иссиқлик энергияси  $Q$  сарфланади.



**9- расм. Иссиқлик насосининг эксергик-иқтисодий моделининг топологик схемаси**

Иссиқлик насосининг ишлашида (9-расм) асосан иссиқлик алмашинувлари содир бўлади. Шунинг учун оптимал параметрларни топишда паст потенциал иссиқлик ташувчидан буғланиш иссиқлик алмашинувчиси  $\delta T_b$  ҳамда конденсатор иссиқлик алмашинувчиси  $\delta T_{қд}$  орқали кетма-кет ҳарорат ўзгаришига ва иситиш қурилмаси  $\delta T_{им}$ , шунингдек, буғланиш иссиқлик алмаштиргичидаги паст потенциал иссиқлик ташувчи  $\Delta T_{пит}$ , иссиқлик алмаштиргичдаги занжирлараро совутгич  $\Delta T_{зс}$  ва иситиш қурилмасидаги ҳавонинг ҳарорат йўқотишлари  $\Delta T_x$ га эътибор қаратилади.

Тақдим этилган қийматлар иситиладиган хонанинг  $T_x$  белгиланган ҳароратида, ташқи шароитда  $T_{тш}$  ва паст потенциал иссиқлик манбаида  $T_{п.и.м}$  иссиқлик насосидаги жараёнлар ўртасида боғловчи алоқа вазифасини бажаради.

Иссиқлик қурилмасининг иссиқлик алмашинувчисига занжирлараро иссиқлик ташувчи томонидан этказиб бериладиган эксергия миқдори ҳаво оқимининг эксергияси  $e_{ис.қ}^x$  ва бу ҳолда эксергия йўқотишларининг йиғиндисига  $d_{ис.қ}$  тенг.

$$e_{ис.қ}^{з.и.т} = e_{ис.қ}^x + d_{ис.қ} = Q_{ис.қ} \cdot \left(1 - \frac{T_{тш}}{T_x}\right) + Q_{ис.қ} \cdot \left(\frac{T_{тш}}{T_{ис.қ}} - \frac{T_{тш}}{T_{з.и.т}}\right) = Q_{ис.қ} \cdot \left(1 - \frac{T_{тш}}{T_{з.и.т}}\right) \quad (5)$$

$\bar{T}_x^{\text{ис.к}}$  - хонадаги ҳаво ҳароратининг ўртача қийматлари;  $\bar{T}_{\text{з.и.т}}^{\text{ис.к}}$  - иситиш қурилмасидаги занжираро иссиқлик ташувчи ҳароратининг ўртача қийматлари.

Иситиш қурилмасидаги занжирлараро иссиқлик ташувчи ҳароратининг ўртача қиймати

